

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАҲМОНОВА ЗУҲРА АБДУРАҲМОН ҚИЗИ

ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА САНОГЕН ТАФАККУРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on the
psychological sciences**

Абдурахмонова Зухра Абдурахмон қизи
Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурни
ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари.....3

Абдурахмонова Зухра Абдурахмон қизи
Социально-психологические особенности развития саногенного
мышления у подростков.....23

Abdurakhmonova Zukhra Abdurakhmon kizi
Socio-psychological characteristics of the development of sanogenic
thinking in adolescents.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДУРАХМОНОВА ЗУХРА АБДУРАХМОН ҚИЗИ

**ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА САНОГЕН ТАФАККУРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1. PhD/Psi65 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаев Нуриддин Салихович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустамжон Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Норкулова Наргиза Тошпулатовна
психология фанлари бўйича фалсафа(PhD)
доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail:.

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй, Тошкент давлат педагогика университети. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Б.Шоумаров
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
психол.ф.д., профессор

Х.А.Қодирова
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий
котиби, психол.ф.н., доцент

В.М.Каримова
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси
психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштиришнинг креатив, модулли технологиялари амалиётга киритилган. Шахслараро муносабатлар, меҳр-шавқат, бағрикенглик, ўзаро садоқат туйғулари, шукроналик хусусиятларини ривожлантиришнинг когнитив, креатив, ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш, соғлом тафаккурни ривожлантиришнинг фалсафий-методологик, маънавий-ахлоқий жиҳатларини ривожлантириш, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ижтимоий-психологик хусусиятларини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим муассасалари ва тадқиқот марказларида ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантириш, ўсмирлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларни, суицидни олдини олиш, кибермания ва наркоманиядан ҳимоя қилиш, ёт вайронкор ғоялардан асрашга хизмат қилувчи психопрофилактик ва психокоррекцион ишларни амалга ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда мулоқотмандлик, эмпатия, шукроналик, муваффақиятга интилиш мотивацияси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ўз мавқеига эга бўлиш жиҳатлари, саноген тафаккурни намоён этувчи ижтимоийлашув хусусиятларни ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда позитив, креатив, мантиқий, тарихий, маънавий тафаккурларни ривожлантириш механизмларини кучайтириш, мулоқотга, билишга интилиш, ўзини-ўзи намоён этиш, иродалилиқ сифатлари, эҳтиёжлар, мотивларни ривожлантириш масалаларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Зеро, бугун инсоният ғоявий урушлар, маънавий зиддиятлар, зўравон ғояларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган ўйинлари авж олган шиддатли замонда яшайпти. Ҳозир бузғунчилик, ахлоқсизлик ва маънавий инқирозлар ҳар қачонгидан ҳам хатарли тус олмақда. Ёшларимиз бундай шароитларда ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлиши, фитнес ва ғаразли мақсадлар, манфаатдор кучлар турганини бир лаҳза ҳам унутмасдан, ёшлигиданоқ соғлом тафаккурни шакллантириш лозим”¹. Ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш, ҳамда этнопсихологик хусусиятларни инобатга олган ҳолда таълим-тарбия механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни чуқурлаштиришга имкониятлар яратилди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: “Ўзбекистан” НМИУ, 2017. -Б.488.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2909-сон «2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 19 мартда илгари сурилган “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим беш ташаббус” ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика илм-фан ва технологияларнинг ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон психолог-олимлари М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, В.М.Каримова, З.Т.Нишанова, Ғ.Б.Шоумаров, Н.С.Сафаев, А.А.Жабборов, Б.М.Умаров, Ш.Б.Баратов, Р.С.Самаров, П.С.Эргашев, Н.Ғ.Комилова, Н.Н.Халилова, З.Расулова, Х.А.Қодировалар томонидан шахснинг тафаккури, маънавияти, уни ривожлантириш босқичларини тадқиқ этишган.

МДХ давлатларидан Ю.М.Орлов, Ю.В.Морозюк, С.Ф.Марчукова, Ю.Н.Краинова, С.К.Скурыгина, А.Л.Рудаков, Т.Н.Васильева, М.С.Козловская, А.В.Коливатов, Г.Г.Башанаева, М.М.Данина, Ф.Р.Тхагова, А.Ю.Гильман, Г.Абрамова, А.Н.Фаминова, Г.А.Цукерман, В.П.Зинченколар тадқиқотларида инсон тафаккури ва уни ривожлантиришнинг фалсафий-методологик жиҳатлари тадқиқ этилган. Л.С.Виготский, Л.С.Рубинштейн, А.Леонтьев, Ю.Л.Ханинларнинг тадқиқот ишларида тафаккур ривожининг психологик жиҳатлари ўрганилган. В.Сластенин, И.Исаев, Е.Шиянов, И.М.Спивакларнинг илмий изланишларида маънавий-ахлоқий тафаккурга доир масалалар тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан З.Фрейд, К.Юнг, К.Хорннинг илмий изланишларида инсоннинг тараққий этишида тафаккурнинг хусусиятлари, унинг саломатликка ижобий таъсир этиши, билиш жараёнларида тафаккурнинг онг ости фаолиятидаги ўрни тадқиқ қилинган. Скотт Плаус, А.Маслоу, А.Бек, В.Франкл, Г.Лефрансуа, А.Адлер, К.Левинларнинг тадқиқотларида инсон тафаккурининг турли жиҳатлари тадқиқ этилган. Ч.Д.Спилбергер тадқиқотларида шахснинг ижтимоий қадриятларини диагностика қилиш, гуруҳда хулқ-атвор мотивациясини ўрганиш асосида инсон тафаккури тараққиётининг босқичлари тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертацион

тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126 “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” (2017-2021 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсмир ёшдаги ўқувчилар хулқ-атвориға таъсир этувчи саноген тафаккурнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ривожлантириш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг саноген тафаккури ривожланишиға таъсир этувчи омилларини таҳлил этиш;

ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурнинг ривожланганлиги шахс хулқ - атворига боғлиқлик даражасини эмпирик текшириш;

саноген тафаккур компонентлари ва омилларини ижтимоий-психологик сўронома асосида такомиллаштириш;

ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурнинг шахс хусусиятлари ва хулқ-атвориға таъсир этиш хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёни бўлиб, Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 1-сонли лицей интернати, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 74-сонли, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 32-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўсмир ёшдаги ўқувчилари (жами 240 нафар)да ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ривожлантириш усулларини коррекциялашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда “Саноген тафаккур” когнитив-ҳиссий тести (С.Н.Морозюк), «Реактив ва шахсий хавотирланиш даражасини баҳоловчи» тест (Спилбергер ва Ханин), шахс муваффақиятга эришиш мотивациясини ўрганиш методикаси (Т.Элерс), “Q-саралаш, яъни шахс хулқ-атворини аниқлаш” сўрономаси (Стефансон), “Ижтимоий тафаккурни аниқлаш” сўрономаси, омилли таҳлил, корреляция таҳлили, Стъудентнинг t-мезонини ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг омиллари (соғлом муҳит, ростгўйлик, инсон кадр-қиймати, сабр-қаноат) ва компонентлари (рефлексив, регулятив, мақсадга йўналганлик, шахснинг англанган фаолияти, ҳиссий ирода, ҳиссиётларини назорат қилиш) аниқланган;

“Ижтимоий тафаккурни ўрганиш” психологик сўрономаси асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккур ривожланганлиги шахс хулқ-атвориға боғлиқлиги аниқланган;

саноген тафаккурға оид назарий билимларни эгаллаш, ўқувчилар ижтимоий хулқ-атворини коррекциялаш ва ривожлантириш психокоррекция тренинг ёрдамида ривожланиши мумкинлиги аниқланган;

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш, шахс хусусиятлари ва хулқ-атвориغا таъсир этувчи кўрсаткичлар таълим жараёни, шахслараро муносабатлар, касбий камолот каби ижтимоий омиллар билан боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саноген тафаккур шаклланишига таъсир этувчи ёш психологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган индивидуал психологик омилнинг амалий ифодаси хусусиятлари аниқлаштирилган;

саноген тафаккурга оид назарий билим эгаллашга, ўқувчилар хулқ-атворини ўрганишга ҳамда ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий-амалий психодиагностик воситаси ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда саноген тафаккур ривожланишига таъсир этувчи мулоқотда, таълим жараёнида, оила муҳотида аҳамиятли ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантиришга хизмат қиладиган тренинг дастури таклиф этилган;

Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришга хизмат қиладиган ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида илмий-амалий тавсиялар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқот объектларининг Ўзбекистон муҳотида танланганлиги; қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши; тадқиқотларда қатнашган респондентлар сонининг репрезентативлиги; олинган эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилганлиги (корреляцион таҳлил, Стъудентнинг t-мезони); муқаррарликнинг статистик, омилли таҳлил усулларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноген тафаккурни ривожлантириш шахсининг ментал ва этнопсихологик хусусиятлари билан ўзаро алоқадорлигини аниқлашда, саноген тафаккур ҳамда шахсининг ижтимоий хулқ-атвори шаклланишига таъсир этувчи омилларни яхлит ёндашув асосида тизимлаштирилганлигида, шахс хулқ-атворининг ижтимоий-психологик механизмларини ривожлантириш йўли билан саноген тафаккурнинг ривожлантириш бўйича истиқболли йўналишни очиб беришида ифодаланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, қўлга киритилган натижалар олий ўқув юрти талабалари, магистрлари, амалиётчи психологларнинг саноген тафаккурга оид назарий билимларини оширади; ўқувчилар хулқ-атворини ўрганишга ҳамда ривожлантиришга оид илмий тасаввурларни бойитади. Шунингдек, тадқиқот материаллари шахс тафаккурининг позитив жиҳатлари, стрессга чидамлик, мулоқотмандлик, иродалик ва мотивацион соҳасидаги интилишлар тўғрисидаги илмий билимларни ҳамда “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология” “Психологик хизмат. Психологик коррекция”, “Психогигиена”, “Ижтимоий психология”,

“Умумий психология” каби фанларни илмий маълумотлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришга доир илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида:

ўсмир ёшдаги ўқувчиларда аниқланган саноген тафаккурни ривожлантиришнинг омиллари (соғлом муҳит, ростгўйлик, инсон қадр-қиймати, сабр-қаноат) ва компонентлари (рефлексив, регулятив, мақсадга йўналганлик, шахснинг анланган фаолияти, ҳиссий ирода, ҳиссиётларини назорат қилиш) Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология” модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги П-М-5г маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

саноген тафаккурга оид назарий билим эгаллашга, ўқувчилар хулқ-атворини ўрганишга ҳамда ривожлантиришга хизмат қилувчи ишлаб чиқилган илмий-амалий психодиагностик воситаси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг “Умумий психодиагностика” модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги П-М-5г маълумотномаси). Мазкур сўровноманинг қўлланилиши натижасида Марказдаги лабораториялар илмий-методик таъминотининг бойитилишига эришилган;

саноген тафаккурга оид назарий билим эгаллаш, ўқувчилар ижтимоий хулқ-атворини психодиагностика қилиш ҳамда ривожлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган коррекцион дастурий таъминот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг “Психоконсултация. Психокоррекция” модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги П-М-5г маълумотномаси). Ушбу дастурий таъминотнинг қўлланилиши натижасида амалиётчи психологларнинг ўсмирлик давридаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожланиш динамикасига оид касбий компетенцияларини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилди;

ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш, шахс хусусиятлари ва хулқ-атворида таъсир этувчи кўрсаткичлар таълим жараёни, шахслараро муносабатлар, касбий камолот каби ижтимоий омиллар билан боғлиқлигини ўрганишга доир илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги

Психология ўқув-илмий марказининг “Психогигиена” модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги П-М-5г маълумотномаси). Мазкур тақлифларнинг жорий этилиши натижасида бўлғуси педагог-психологларда ўсмирлик даврида саноген тафаккур намоён бўлишини прогноз қилиш имконияти кенгайтирилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманлар, жумладан 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий-услубий ишлар, жумладан, 2 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 18 таси республика ва халқаро, 2 таси хорижий журнал, 3 та хорижий конференцияларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Саноген тафаккур илмий-тадқиқот предмети сифатида”** деб номланган ва адабиётлар таҳлилига бағишланган биринчи бобида

Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ғаззолий, Насафий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий каби машҳур Шарқ мутафаккир ҳамда мусулмон қомусий аллома ва олимларининг асарлари, уларнинг ислом фалсафасига таянган истиқболи комил инсонни шакллантиришга, ахлоқ-одоб инсон тафаккурининг ажралмас таркибий қисми эканлиги англашга, давлат ва жамият ривожланишига хизмат қилувчи ғоялари инсониятнинг ҳар бир давр учун зарурият эканлигини ақс эттирувчи илмий қарашлари, ҳамда мазкур масалаларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари у ёки бу даражада таҳлил қилиб берилган.

Мазкур бобда Ю.М.Орлов, Ю.В.Морозюк, С.Ф.Марчукова, Ю.Н.Краинова, С.К.Скурыгина, А.Л.Рудаков, Т.Н.Васильева, М.С.Козловская,

А.В.Коливатов, Г.Г.Башанаева, М.М.Данина, Ф.Р.Тхагова, А.Ю.Гильман, Г.Абрамова А.Н.Фаминова, Г.А.Цукерман ва В.П. Зинченко каби МДХ давлатларининг бир гуруҳ олимларнинг илмий-тадқиқот ишларидаги тафаккур, саноген тафаккур ва уни ривожлантиришнинг фалсафий-методологик жиҳатлари таҳлил қилинган.

Психологияда саноген тафаккур – (лотинча: «sanus» - соғлом ва юнон тилида: «genesis» - ривожланиш¹) - ҳис-ҳаяжон ва эмоцияларни бошқарувчи, соғломлаштирувчи тафаккур сифатида эътироф этилади. Ю.М.Орловнинг саноген тафаккурни ўрганишга бағишланган тадқиқотларида турли номлар қўлланилган. Масалан: ижобий фикрлаш, саноген тафаккур, оптимистик фикрлаш, конструктив фикрлаш, оқилона ва уйғун фикрлаш каби сўзлар билан ишлатилган.

Ю.М.Орловнинг (1928-2001) илмий қарашларига кўра: “Инсоннинг тафаккури қанчалик соғлом бўлса, унинг руҳияти, жисми шунчалик соғлом эзгуликка йўналган бўлади. Одамнинг фикрлаши қанча соф, эркин бўлса, у шунча зарарсиз фикрлайди, шукрли, сабрли ва беғараз бўлади. Бундай сифатларга эга шахс соғлом тафаккур эгаси саналади”. В.И.Моросанованинг тадқиқотида “Саноген тафаккур маълум бир тарзда шахснинг ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи назорат қилиш жараёнлари билан боғлиқ. Инсон фаолиятида ўзини-ўзи тартибга солиш аҳамияти катта” - деган таърифлар билан изоҳлаган².

Диссертациянинг **“Саноген тафаккурнинг ўқувчилар ижтимоий хулқига таъсирини эмпирик жиҳатдан ўрганиш натижалари”** деб номланган иккинчи бобида патоген ва саноген тафаккурнинг бир-биридан фарқ қилувчи умумий хусусиятлари, саноген хулқ-атвор тузилмаси компонентлари ва саноген тафаккур модели ҳамда функциялари, саноген тафаккурнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома бўйича тадқиқот объектдан олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Саноген тафаккурни ривожлантириш қуйидаги функциялари ажратилади:

а) *коммуникативлик функцияси* - мулоқотмандлик, ахборот алмашиш, киришимлилик, муомала маданиятига эга бўлиш, мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларини идрок этиши ва тушуниши;

б) *перцептивлик функцияси* - ўзлаштириш, идрок этиш, ҳис қилиш, ўзгаларнинг ички дунёсига кириш, психик ҳолатларнинг нозик жиҳатларини тушунишга хизмат қилувчи кузатувчанлик фазилати;

в) *акмеологик функцияси* - юқори чўққига интилиш, етукликка эришишга қаратилган ҳатти-харакатларни амалга ошириш, мақсадли фаолият;

г) *аксиологик функцияси* - миллий урф-одат, анъаналар, қадриятларга садоқат, миллий этнографик турмуш тарзини ифода этувчи фазилатларни шакллантириш;

¹ **Бодалев** А.А. Психология общения. Энциклопедический словарь. - М.: Изд-во «Когито-Центр», Саногенное мышление в общении., 2011.

² Орлов Ю.М. Саногенное (оздоравливающее) мышление. – М. : Слайдинг, 2006. – Кн. 1. – 96 с.

д) *социологик функцияси* - шахс ижтимоий-психологик мавжудот сифатида хамиша ижтимоий муҳит таъсирида бўлади ва уни англайди. Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулк-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради;

е) *валеологик функцияси* - саломатлик соғлом бўлиш маъноларини билдириб, шахснинг индивидуал руҳий, жисмоний, физиологик саломатлиги, ишчанлик қобилияти ва умрнинг максимал давомийлиги муҳитида ижтимоий фаолликни сақлаб қолишга эришиш;

ё) *рефлексивлик функцияси* - ўзини ва ўзгаларни хатти-ҳаракатлари ва ҳолатларини тўғри тушуниш, таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

ж) *креативлик функцияси* - ноанъанавий, бетакрор кадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар қабул қилиш, ўзгача ва такрорланмаган ғоялар асосида ноёб фикрлаш қобилияти.

Тадқиқот жараёнида ўқувчиларда саноген тафаккур даражасининг ижтимоий-психологик жиҳати билан бир қаторда, уларнинг ёши, индивидуал ва психологик хусусиятлари ҳам инобатга олинган. Булар ўртасида омилли таҳлил, регрессия таҳлил ва корреляция алоқадорлик жиҳатлари ҳам аниқланди.

Қуйида тадқиқот натижалари таҳлили ҳақида сўз боради. Биринчи жадвалда ўсмир ёшдаги ўқувчиларининг шахс хусусиятлари сўровномаларининг умумий ўртача кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал.

Шахс хусусиятларини ўрганиш сўровномалари умумий ўртача кўрсаткичлари (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)

Шкалалар	М (n=80)	Стандарт оғиш (n=80)	t-статистика ($p \leq 0,05$); ($p \leq 0,01$)
хавотирланиш	36,85	5,49	0,85**
муваффақият мотиви	17,23	4,16	0,22
саноген тафаккур	17,95	4,98	0,95***
ижтимоий фикр	18,48	5,05	0,47*

Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва уни келтириб чиқарувчи психологик омилларни амалий жиҳатдан тадқиқ қилишнинг натижалари шуни кўрсатадики, ўсмир ёшдаги ўқувчиларининг шахс хусусиятлари даражаси сўровномаларининг умумий ўртача кўрсаткичлари биринчи сўровнома бўйича, яъни, хавотирланиш, ўсмир ўқувчиларда ўрта даражадаги натижани қайд этгани, мактаб таълим тизимида ўқувчиларда хавотирланиш даражасининг ўртача эканлиги, дарс машғулотлари ва оилавий муносабатлар билан боғлиқ бўлиши мавжудлигини англатади.

Хавотирланиш шкаласига кўра, ўқувчиларнинг натижалари ўрта кийматни ташкил қилганлиги ва бу уларда субъектив локал назоратнинг

мавжудлиги ва ўрнатилганлигидан далолат беради. Шунингдек, ушбу бобда саноген тафаккурнинг асосий тамойиллари таҳлили ҳам берилган.

Кейинги жадвалда Стефансон сўровномаси бўйича ўқувчилардан олинган натижалар тадқиқ қилинган.

Ўсмир ўқувчиларда Q-саралаш сўровномаси бўйича умумий ўртача кўрсаткичи “тобелик” шкаласи бўйича ўқувчиларда 6,60 ни ташкил этади. Бу эса стандарт кўрсаткич бўйича ўртачани ташкил этади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирлар қадриятларини, ижтимоий ва ахлоқий этик нормаларини тўғри қабул қила олади, гуруҳ билан ҳамкорликда ишлашга мойил бўлишади, лекин кўпинча ўқувчилар гуруҳдами ёки бошқалар билан бўлган муносабатида ишончи сустиги туфайли улар ҳамкорликда ишлашга бироз қийналишади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирларда ташқи таъсирларга берилишмайди, уларда агрессивлик ҳолатлари кам кузатилади, бошқаларга қарам бўлишни ҳам хоҳлашмайди. Ўсмирлар саноген тафаккури ривожланишида ота-онасига, дўстларининг фикр-мулоҳазаларига таянишади.

2-жадвал.

Шахс хулқ-атвори сўровномаси бўйича умумий ўртача кўрсаткичлар (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)

Шкалалар	М (n=80)	Стандарт оғиш (n=80)	t- статисти ка (p≤0,05); (p≤0,01)
тобе	6,60	1,336	0,60**
мустақил	6,93	1,421	0,92***
киришимли	6,45	1,339	0,45*
одамови	6,95	1,176	0,95***
курашувчи	6,58	1,196	0,57**
курашдан қочувчи	6,55	1,218	0,55**

Кейинги 3-жадвалда ўсмир ўқувчиларининг шахс хусусиятлари сўровномалари бўйича ўзаро ўртача кўрсаткичлари акс эттирилган.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг ўсмир ўқувчиларда ўтказилиши, уларда тафаккур билан боғлиқ омилларнинг қай даражада кечиши ва маълум бир вазифаларни бажаришда шахснинг ҳиссий-интеллектуал салоҳияти қай тарзда баҳолай олиши каби мураккаб вазифаларни қўяди. Хавотирланиш шкаласига кўра, ўсмир ўқувчиларнинг натижалари ўртача қийматни ташкил қилганлиги таълим жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва бу босқичда ҳар хил атрофдаги ноқулай вазиятларнинг уларга таъсири билан биргаликда кечади.

3-жадвал.**Шахс хусусиятларини ўрганиш сўровномалари умумий ўртача кўрсаткичлари (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)**

Шкалалар	М (n=80)	Стандарт оғиш (n=80)	t-статистика (p≤0,05); (p≤0,01)
хавотирланиш	36,25	5,69	0,25*
муваффақият мотиви	17,20	3,90	0,20
саноген тафаккур	18,93	5,34	0,92***
ижтимоий фикр	19,18	5,04	0,17

Кейинги 4-жадвалда ўсмир ёшдаги ўқувчиларининг шахс хусусиятлари сўровномалари бўйича ўзаро ўртача кўрсаткичлари акс эттирилган.

4-жадвал.**Шахс хусусиятларини ўрганиш сўровномалари умумий ўртача кўрсаткичлари (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)**

Шкалалар	М (n=80)	Стандарт оғиш (n=80)	t-статистика (p≤0,05); (p≤0,01)
хавотирланиш	35,55	5,38	0,55**
муваффақият мотиви	17,25	3,94	0,25*
саноген тафаккур	18,65	4,90	0,65**
ижтимоий фикр	19,48	4,83	0,47*

Хавотирланиш шкаласига кўра, ўсмир ўқувчиларнинг натижалари Қамаши тумани ва Самарқанд шаҳарларида таҳсил олувчи ўқувчиларга караганда, оз миқдор билан ўртачадан юқорироқ қийматни акс эттирганлиги, таълим жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва бу босқичда ҳар хил атрофдаги ноқулай вазиятларнинг уларга таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.

“Саноген тафаккурнинг ўқувчилар ижтимоий хулқига таъсирини эмпирик жиҳатдан ўрганиш натижалари” деб номланган учинчи бобда ўрганилаётган муаммони эмпирик жиҳатдан тадқиқ этишга доир маълумотлар таҳлиliga бағишланган.

Кейинги 5-жадвалда ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг шахс хусусиятлари ўрганиш каби сўровномаларидан олинган натижаларнинг омилли таҳлил кўрсаткичлари келтирилган.

5-жадвал.**Шахс хусусиятлари тузилмаси сўровномалари даражасининг омилли таҳлил кўрсаткичлари**

Шкалалар	Омиллар n=80
	1
хавотирланиш	-0,903
муваффақият мотиви	0,889
саноген тафаккур	0,924
ижтимоий фикр	0,880

Тадқиқотдан олинган натижалар шуни намоён қилдики, Қамаши тумани умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг хавотирланиш даражаси, муваффақият мотиви, саноген тафаккур хусусиятлари ва ижтимоий фикр каби сўровномалар орасидаги омилли таҳлил кўрсаткичлари улардаги ўзаро боғланган ижтимоий-психологик хусусиятларини қай тарзда йўлга қўйилишини белгилаб берувчи механизм саналади. Синалувчилар натижалари омилли таҳлил бўйича кўрсаткичлари битта компонентга бирлашди. Ўсмир ўқувчиларнинг омилли таҳлил кўрсаткичларини ташкил этган психологик омиллар: хавотирланиш даражаси 0,903, муваффақият мотиви 0,889, саноген тафаккур хусусиятлари 0,924 ва ижтимоий фикр 0,880 каби натижалар билан ўзаро фарқланди.

Кейинги жадвалда умумий ўрта таълим мактаблари ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг Q-саралаш хусусиятлари сўровномаси бўйича олинган омилли таҳлил кўрсаткичлари тақдим қилинган.

6-жадвал.**Шахс хулқ-атворини ўлчаш сўровномаси даражасининг омилли таҳлил кўрсаткичлари**

Шкалалар	Омиллар n=80		
	1	2	3
тобе	0,772	-0,245	0,449
мустақил	0,512	0,521	0,887
киришимли	0,726	0,165	-0,183
одамови	-0,522	0,830	0,493
курашувчи	0,754	0,536	0,531
курашдан қочувчи	-0,015	0,626	-0,475

Ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари бўйича тадқиқотдан олинган натижалари шуни кўрсатадики, Самарқанд шаҳар умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг Q-саралаш сўровномаси кўрсаткичларини ўрганиш натижалари ва улардаги ўзаро боғланган индивидуал-психологик хусусиятларини қай тарзда йўлга қўйилишини белгилаб берувчи механизм саналади. Синалувчилар натижалари омилли таҳлил бўйича кўрсаткичлар учта компонентга бирлашди.

Биринчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: тобелик 0,772, мустақил 0,512, киришимли 0,726, одамови 0,522 ва курашувчи 0,754 каби натижалар билан ўзаро фарқланди.

Иккинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: мустақил 0,521, одамови 0,830, курашувчи 0,536 ва курашдан қочувчи 0,626 натижа билан алоҳида характерланади. Учинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: тобелик 0,449, мустақил 0,887, одамови 0,493, курашувчи 0,531 ва курашдан қочувчи 0,475 даража билан қайд этилди.

Синалувчиларнинг тўплаган қийматлари учта омилга бирлашганлиги бу омиллар сўровномадаги асосий қийматлар ва ахамиятли фарқларни белгиловчи асосий хусусиятларни ташкил этмоқда.

Кейинги жадвалда Тошкент шаҳар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг шахс хусусиятлари сўровномалари бўйича олинган омилли таҳлил кўрсаткичлари тақдим қилинган.

7-жадвал.

Шахс хусусиятлари тузилмаси сўровномалари даражасининг омилли таҳлил кўрсаткичлари

Шкалалар	Омиллар n=80
	1
хавотирланиш	-0,878
муваффақият мотиви	0,905
саноген тафаккур	0,937
ижтимоий фикр	0,921

Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, халқ таълим муассасалари ўқувчиларининг шахс хусусиятлари даражаси, яъни, хавотирланиш, муваффақият мотиви, саноген тафаккур ва ижтимоий фикр сўровномаларининг ўқувчилар ўқув фаолияти учун энг зарур бўлган психологик омиллар омилли таҳлил орқали намоён бўлганлигини кўриш мумкин.

Юқори синф ўсмир ўқувчиларида шахс хусусиятлари даражасини белгилаб берган психологик омиллар: хавотирланиш 0,878, муваффақият мотиви 0,905, саноген тафаккур 0,937 ва ижтимоий фикр 0,921 каби юқори даражада психологик омилларни акс эттирган.

Саккизинчи жадвалда Тошкент шаҳар умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг Q-саралаш сўровномасининг омилли таҳлил кўрсаткичлари келтирилган.

8-жадвал.

Шахс хулқ-атворини ўлчаш сўровномаси даражасининг омилли таҳлил кўрсаткичлари

Шкалалар	Омиллар n=80		
	1	2	3
тобе	0,649	0,464	-0,525
мустақил	0,773	-0,058	0,589
киришимли	-0,324	0,524	0,842
одамови	0,555	-0,354	0,488
курашувчи	0,535	0,501	0,188
курашдан қочувчи	0,550	0,905	-0,004

Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари бўйича тадқиқотдан олинган натижалари шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳар умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг Q-саралаш сўровномаси кўрсаткичларини ўрганиш натижалари улардаги ўзаро боғланган ижтимоий-психологик хусусиятлари саноген тафаккурнинг психологик жиҳатларини белгилаб беради. Синалувчилар натижалари омилли таҳлил бўйича кўрсаткичлар учта компонентга бирлашди.

Биринчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: тобе 0,649, мустақил 0,773, одамови 0,555, курашувчи 0,535 ва курашдан қочувчи 0,550 каби натижалар билан ўзаро фарқланди.

Иккинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: тобе 0,464, киришимли 0,524, курашувчи 0,501 ва курашдан қочувчи 0,905 натижа билан алоҳида характерланади.

Учинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: тобе 0,525, мустақил 0,589, киришимли 0,842 ва одамови 0,488 даража билан қайд этилди. Синалувчиларнинг тўплаган қийматлари учта омилларга бирлашганлиги ва бу омиллар сўровномадаги асосий қийматлар ва аҳамиятли фарқларни белгиловчи асосий психологик хусусиятларни ташкил этмоқда.

9-жадвал.

Шахс хусусиятлари ва хулқ-атвор тузилмаси кўрсаткичларининг структуравий модели

Шкалалар	Ljung-Box Q (18) n=240		
	Статистик кўрсаткичлар (M-1)	Статистик кўрсаткичлар (M-2)	Статистик кўрсаткичлар (M-3)
хавотирланиш	13,06	20,29	29,86
муваффақият мотиви	23,59	11,82	24,38
саноген тафаккур	25,74	10,03	12,25
ижтимоий фикр	12,24	9,41	18,28
тобе	24,59	31,03	21,63
мустақил	9,40	18,83	32,42
киришимли	24,58	20,62	8,13
одамови	26,82	19,34	34,21
курашувчи	19,29	39,18	10,83
курашдан қочувчи	15,73	24	10,06

Юқоридаги 9-жадвалда ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг шахс хусусиятлари ва Q-саралаш сўровномаларининг структуравий моделлари келтирилган.

Саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотнинг амалий жиҳатларини мустаҳкамлаш мақсадида ўсмир ўқувчиларда ўтказилган сўровномалар шкалалари юқори ёки пастроқ шкалаларини структуравий модели бўйича аниқлаш имкониятини берган.

Худудлар бўйича - Қамаш тумани умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг сўровномаларда акс эттирган юқори структуравий бирликларни: муваффақият мотиви, саноген тафаккур, тобелик, киришимли ва одамови каби бирликлар, пастроқ шкалаларни эса: хавотирланиш, ижтимоий фикр, мустақил, курашувчи ва курашдан қочувчи каби психологик структуравий бирликларни ташкил этганлиги; Тошкент вилояти ўрта мактаб юқори синф ўқувчиларида юқори психологик бирликлар: хавотирланиш, тобелик, киришимли, курашувчи ва курашдан қочувчи бирликлар, пастроқ даражани эса, муваффақият мотиви, саноген тафаккур, ижтимоий фикр, мустақил ва одамови каби психологик хусусиятлар; Тошкент шаҳар умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олувчи ўсмир ўқувчиларда юқори психологик бирликлар: хавотирланиш, муваффақият мотиви, тобелик, мустақил ва одамови шкалалари, пастроқ натижани эса, саноген тафаккур, ижтимоий фикр, киришимли, курашувчи ва курашдан қочувчи каби психологик структуравий моделларини акс эттирганлигини кўриш мумкин.

Навбатдаги жадвалда тадқиқотда қўлланилган сўровномаларнинг Алфа Кронбах мезони бўйича ўзаро ишончлилик даражалари акс этирилган.

10-жадвал.

Шахс хусусиятлари сўровномалари орасидаги валидлик кўрсаткичлари

Сўровномалар	Алфа Кронбах (0,25-1)
Спилбергер ва Ханнинг “Хавотирланиш” тести	0,44%
Элерснинг “Муваффақият мотиви” сўровномаси	0,83%
Морозюкнинг “Саноген тафаккур” методикаси	0,96%
“Ижтимоий фикр” сўровномаси	0,80%
Стефансон сўровномаси	0,26%

Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича тадқиқ этилган илмий-амалий тадқиқотда қўлланилган сўровномаларнинг қай даражада мос тарзда ишлаётганлигини аниқлаш учун Алфа Кронбах мезони қўлланилган. Бу статистик мезонга кўра, хавотирланиш даражасини ўлчашга хизмат қилувчи

сўровнома ўрта даражада ўзининг ишончли ва тажрибадан ўтганлигини кўрсатган.

Иккинчи муваффақиятга эришиш мотивини ўлчашга қаратилган сўровнома юқори синф ўсмир ўқувчиларининг мотивацион соҳасини текширишда юқори даражани намоён қилган. Бунинг асосий психологик жиҳати шундаки, ўсмир ўқувчилар мазкур сўровномани бажаришда мазмунини тушунганлиги, изчиллик билан бажарганлиги ёки қулай вақт ва яхши шароитнинг мавжуд бўлиши билан белгиланиши мумкин.

Саноген тафаккур сўровномаси бўйича ҳам ўқувчиларнинг натижалари энг юқори даражани кўрсатган. Ижтимоий фикрни аниқлашга мўлжалланган сўровноманинг яроқлилик даражаси ҳам нисбатни юқори бўлган.

ХУЛОСА

Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини эмпирик жиҳатдан ўрганиш, қўлга киритилган натижалар тадқиқотимизнинг назарий ва амалий қисмларидан келиб чиқиб, биз қуйидаги умумий хулосаларни илгари сурдик:

1. Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ижтимоий замонавий психологик илмий-амалий тадқиқотларнинг психологик омилларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ва халқ таълими муассасаларида саноген тафаккур билан боғлиқ жараёнларни ривожлантиришга хизмат қилади.

2. Саноген тафаккурни ривожлантиришни психологик жиҳатдан ўсмир ёшдаги юқори синф ўқувчилар мисолида ўрганиш, ўқувчилардаги шахслараро муносабатларни йўлга қўйишда тафаккур хусусиятларини ўстириш, ўқув жараёнига нисбатан билиш жараёнларини мустаҳкамлаш ҳамда кўникма ва малакаларни шакллантириш хусусиятлари, эмоционал билимдонликни шакллантириш, шахснинг тафаккур хусусиятларига эга бўлган сифатларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муносабатларининг психологик омиллари тадқиқ этилди.

3. Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурнинг намоён бўлиш шаклларида оид замонавий психологияда ёндашувлар мавжудлиги ва шу билан биргаликда саноген тафаккур тафаккурнинг бир тури сифатида ўқувчиларнинг билим олиш кўникмаларини ривожланишига туртки бўлувчи омил сифатида талқин қилиниши ҳамда таълим жараёнида уларда конструктив билимларнинг ўсишига, эмоционал билимдонлигининг ошишига ва соғлом психик шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради.

4. Юқори синф ўқувчиларида саноген тафаккурнинг психологик хусусиятлари аниқланиб, уларда хавотирланиш даражасининг юқорилиги, тафаккур хусусиятларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши ва айниқса, таълим жараёнидаги машғулотларни ўзлаштириш қобилиятини пасайишига олиб келиши мумкин.

5. Юқори синф ўқувчилари фаолиятида саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ижобий психологик жиҳатлари таълим муассасаларида

олган билим ва кўникмалари орқали саноген тафаккур даражаси юқори миқдорни намоён қилганлиги, шу билан бир қаторда ижтимоий фикрларнинг улар учун аҳамиятли эканлиги ва барқарор равишда шаклланиши ўсмир ўқувчилари ўқув фаолиятида саноген тафаккур шаклланганлигидан далолат беради.

6. Ўсмир ўқувчилар саноген тафаккурини шаклланишига таъсир кўрсатувчи психологик омиллар, яъни хавотирланиш даражаси, муваффақият мотиви, саноген тафаккур ва ижтимоий фикр каби сўровномалар барқарор равишда шаклланганлигини, Q-саралаш сўровномаси шкаллари эса, нисбатан пастроқ натижа билан салбий баҳони келтириб чиқараётганлиги қайд этилди.

7. Ўқувчиларда хавотирланиш даражаси, муваффақият мотиви, саноген тафаккур даражаси, ижтимоий фикр, мустақил, киришимли ва курашувчи каби психологик хусусиятлар омилли таҳлил бўйича асосий психологик омилларни намоён қилганлиги, тобелик, одамови ва курашдан қочувчи шкаллари эса, салбий психологик бирликларни ташкил этаётганлиги намоён бўлган. Ўсмир ўқувчиларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларининг юқорилиги уларда саноген тафаккур ривожланишининг ортиб боришига олиб келади.

8. Ўсмир ўқувчиларнинг саноген тафаккурини психологик жиҳатдан баҳоланда сўровномалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари, шахслилик хусусиятлари сўровномалари ва Q-саралаш тузилмаси каби психологик хусусиятлар ижобий даражада корреляция аниқланиши саноген тафаккурнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин.

9. Ўсмир ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича тадқиқот жараёнидан олинган натижалар уларни келгуси касбий фаолиятига қадам қўйишида муҳим сифатларнинг ортишига, атрофдагилар билан салбий муносабатларни олдини олишга, эмоционал билимларнинг ўсишига ва муваффақиятли билим-кўникмаларнинг психологик жиҳатдан ривожланишига самарали таъсир қилади.

10. Шахснинг саноген хулқ-атвори шаклланишининг мезонларини белгиладик. Белгиланган мезонлар шахс ҳаётининг ҳолати ва сифати, ижтимоийлашув шароитлари ва унинг ҳаётидаги воқеаларни ўз ичига олади. Ушбу мезонларни саноген хулқ-атворни белгиловчи омиллар сифатида танлашимизнинг аҳамияти шахснинг ижтимоий муҳити, ҳаёт тарзи, фаолият йўналишлари ва ўз эҳтиёжларидаги шарт-шароитларни қай даражада ташкил қилишига боғлиқ.

Шундай қилиб, тадқиқот натижасида ёшлар дунёқараши ва амалдаги ижтимоий хулқ-атворида ижтимоий-психологик омиллар таъсир этишининг аҳамиятли томонлари ўрганилди. Ўсмирларда саноген тафаккурни ривожлантириш келажакда давлатимиз тараққиётини янада юксак поғоналарга элтувчи руҳан кучли, маънавий барқарор бўлган ёшларни тарбиялаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.01.2020.P.26.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ НИЗАМИ**

АБДУРАХМАНОВА ЗУХРА АБДУРАХМАН КИЗИ

**СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ
САНОГЕННОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ**

**19.00.05 – Социальная психология. Этнопсихология
(психологические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ

**ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.1. PhD/Psi65

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице по адресу www.tdpu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Сафаев Нуриддин Салихович**
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Самаров Рустамжон Садриддинович**
доктор философских наук, профессор
Норкулова Наргиза Тошпулатовна
доктор философии по психологии, доцент

Ведущая организация: Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc03/30.01.2020.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tgpu_kengash@edu.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован за № ___).

Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел: (99871) 254-92-02; факс: (99871) 215-54-20

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года
(реестр протокола рассылки №___ от _____ 2020года).

Г.Б.Шоумаров
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор психол.наук, профессор

Х.А.Кадырова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней
кандидат психол. наук, доцент

В.М.Каримова
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор психол.
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации В мире внедрены в практику креативные модульные технологии совершенствования социально-психологических механизмов развития саногенного мышления подростков. Ведутся системные работы по усовершенствованию когнитивных, креативных, социально-психологических механизмов межличностных отношений, сострадания, толерантности, чувства взаимной преданности, благодарности, развития философско-методологических, духовно-нравственных аспектов развития здорового мышления, развития социально-психологических особенностей саногенного мышления у учащихся подросткового возраста.

В образовательные учреждения и исследовательских центрах мира проводятся исследования по развитию саногенного мышления у подростков, профилактике различных правонарушений, суицида среди подростков, защите от кибермании и наркотиков, психопрофилактической и психокоррекционной работе, которая служит защите от деструктивных идей. Особое внимание уделяется научным исследованиям по изучению вопросов определения учащимися как личности своего места в обществе, стремления к общению, эмпатии, благодарности, мотивации к успеху в условиях социально-экономических изменений, аспектов обладания своим статусом, особенностей социализации, выражающих саногенное мышление.

В нашей республике созданы нормативные основы совершенствования вопросов развития для усиления механизмов развития позитивного, творческого, логического, исторического, духовного мышления, стремления к общению, к знаниям, самовыражения, развития силы воли, потребностей, мотивов. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев указывает: «Сегодня человечество живет во время интенсивных идеологических войн, духовных конфликтов, игр насильственных идей, направленных на передел мира. Коррупция, безнравственность и духовные кризисы сейчас более опасны, чем когда-либо. Нашей молодежи необходимо быть всегда бдительным и бдительным в таких условиях, формировать здоровый образ мышления с юных лет, не забывая ни на минуту, что есть заговоры и корыстные мотивы, силы интереса»¹. У студентов есть возможность углубить научные исследования по развитию саногенного мышления, а также усовершенствованию образовательных механизмов с учетом этнопсихологических особенностей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, указанных в постановлении Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2016 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему усовершенствованию системы образования в 2017-2021 годах», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз. - Ташкент: “Ўзбекистан” НМИУ, 2017. - с. 488.

2017 года № 187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования», «Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», «Пяти важных инициативах по повышению морального духа молодежи, содержательной организации их досуга», выдвинутых руководителем государства 19 марта 2019 года.

Соответствие исследования с приоритетным направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование проведено в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Учёными-психологами Узбекистана такими как М.Г.Давлетшин, Э.Г.Гозиев, Б.Р.Кодиров, В.М.Каримова, З.Т.Нишанова, Г.Б.Шоумаров, Н.С.Сафаев, А.А.Жабборов, Б.М.Умаров, Ш.Б.Баратов, Р.С.Самаров, П.С.Эргашев, Н.Г.Комилова, Н.Н.Халилова, З.Расулова, Х.А.Кодирова проведены исследования по человеческому мышлению, духовности, этапам их развития.

Учёными стран СНГ такими как Ю.М.Орлов, Ю.В.Морозюк, С.Ф.Марчукова, Ю.Н.Краинова, С.К.Скурыгина, А.Л.Рудаков, Т.Н.Васильева, М.С.Козловская, А.В.Коливатов, Г.Г.Башанаева, М.М.Данина, Ф.Р.Тхагова, А.Ю.Гильман, Г.Абрамова, А.Н.Фаминова, Г.А.Цукерман, В.П.Зинченко исследованы философские и методологические аспекты человеческого мышления и его развития. В исследовательских работах таких ученых, как Л.С.Выготский, Л.С.Рубинштейн, А.Леонтьев, Ю.Л.Ханин изучены психологические аспекты развития мышления. В научных изысканиях В. Слостенина, И.Исаева, Е.Шиянова, И.М.Спивака исследованы вопросы духовно-нравственного мышления.

Такие зарубежные ученые как З.Фрейд, К.Юнг, К.Хорн в своих научных изысканиях исследовали особенности мышления в развитии человека, его положительное влияние на здоровье, роль мышления в подсознательной деятельности познавательных процессов. Скотт Плаус, А.Маслоу, А.Бек, В.Франкл, Г.Лефрансуа, А.Адлер, К.Левин в своих изысканиях исследовали различные аспекты человеческого мышления. В исследованиях Ч.Д.Спилбергера на основе диагностики социальных ценностей личности, изучения поведенческой мотивации в группе исследованы этапы развития мышления человека.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта ОТ-Ф1-126 «Разработка, научное обоснование и внедрение психодиагностического инструментария по изучению показателей психологической зрелости молодежи Узбекистана» (2017-2021 гг.) плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета.

Целью исследования является совершенствование методов развития социально-психологических характеристик саногенного мышления, влияющих на поведение учащихся подросткового возраста.

Задачи исследования:

анализ факторов, влияющих на развитие саногенного мышления у учащихся подросткового возраста;

эмпирическая проверка степени зависимости развития саногенного мышления от поведения личности у учащихся подросткового возраста;

совершенствование компонентов и факторов саногенного мышления на основе опросника;

выявление особенностей, влияющих на личностные качества и поведение саногенного мышления у учащихся подросткового возраста;

Объектом исследования является процесс развития саногенного мышления у учащихся подросткового возраста, который изучен у учащихся подросткового возраста школы-интерната № 1 Камашинского района Кашкадарьинской области, средней школы № 74 Яккасарайского района города Ташкента, школы № 32 Зангиатинского района Ташкентской области (всего 240 человек).

Предметом исследования является коррекция развития социально-психологических особенностей саногенного мышления у учащихся подросткового возраста.

